

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ»

факультети

«Сув хўжалиги ва мелиорация»

кафедраси

«Ҳимояга рухсат берилди»

Кафедра мудири

_____ доц. А.Жўраев

«_____» _____ 2014 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Мирсулаймон ариғи” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олувчи “Зиё Шароф” фермер хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Бажарди:

Ж.Фазлиев

Раҳбар:

Х.Шоназаров

Бухоро – 2014

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ
(Олий ўқув юрти)

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ факультети _____ СХ ва М _____ кафедраси
Сув хўжалиги ва мелиорация йўналиши _____ 4 _____ курс _____ 2 _____ гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Сув хўжалиги ва мелиорация»
кафедраси мудири

_____ доц. **А.Жўраев**

« _____ » _____ 2014 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Фазлиев Жамолиддин Шарофиддинович _____
(фамилия, исми, отасининг исми)

1. Битирув ишининг мавзуси “Мирсулаймон ариғи” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олувчи “Зиё Шароф” фермер хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.

Институтнинг "11" 12 2013 й. № 313 А/ф _____ **сонли буйруғи билан тасдиқланган.**

2. Битирув ишини топшириш муддати . 01.06.2014 й.

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар. Фермер хўжалигининг бош плани, объектнинг табиий иқлим шароитлари, ирригация тизими ҳақида маълумотлар

4. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати). Кириш, фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ёритиш, ер фонди ҳисоби, суғориш усули ва

техникасини танлаш, қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш, ҳисобий сув сарфларини ҳисоби, каналларнинг гидравлик ҳисоби, ГМ ишларини ташкил этилиши, ХФХ, табиатни муҳофаза қилиш, иқтисодий ҳисоблар

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади) .

1. Фермер хўжаликнинг бош режаси
2. Келтирилган гидромодул графиги чизмаси
3. Ёпиқ ётиқ зовурнинг кўриниши чизмаси;
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги;

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.о.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Умумий қисм Техник қисм	Х.Шоназаров А.Жўраев	03.03.2014 й	03.05.2014 й
2.	ГМИТҚ	И.С. Хасанов	05.05.2014 й	14.05.2014 й
3.	ХФХ	С.Жўраева	14.05.2014 й	16.05.2014 й

7. Битирув ишини бажариш режаси:

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Бажарилганлиг и тўғрисида имзо
1	БМИ бўйича маълумотлар тўплаш, Кириш	03.03.2014 й.	
2	Умумий қисмни ёритиш	14.03.2014 й.	

3	Ер фонди ҳисоби	20.03.2014 й.	
4	Суғориш усули ва техникасини танлаш	28.03.2014 й.	
5	Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш	04.04.2014 й.	
6	Суғориш тармоқларининг сув сарфлари ҳисоби	08.04.2014 й.	
7	Каналларнинг гидравлик ҳисоби	11.04.2014 й.	
8	Каналларнинг бўйлама профили	16.04.2014 й.	
9	Каналларнинг кўндаланг ва бўйлама қирқимлари	18.04.2014 й.	
10	Ҳаёт фаолияти ховфсизлиги	23.04.2014 й.	
11	Табиатни муҳофаза қилиш	25.04.2014 й.	
12	Иқтисодий қисм	29.04.2014 й.	
13	БМИ ни расмийлаштириш	02.05.2014 й.	

Битирув иши раҳбари

___Х.Шоназаров

Топшириқни бажаришга олдим

___Ж.Фазлиев._____

Топшириқ берилган сана _____й.

МУНДАРИЖА		бет
	Кириш	7
I.	УМУМИЙ ҚИСМ	15
1.1.	Фермер жалигини жойлашган ўрни.	15
1.2.	Хўжаликнинг иқлим шароитлари	15
1.3.	Гидрогеологик ва мелиоратив шароитлари	16
1.4.	Зовурлар тизими кадастри.	17
1.5.	Тик дренаж қудуқларининг ишлаш режими.	18
1.6.	Зовур сувларини шўрланиши тўғрисида маълумот.	20
1.7.	Тупроқ шўрланганлик даражасини аниқлаш бўйича олиб борилган ишлар.	21
II.	ТЕХНИК ҚИСМ	25
2.1	Лойиҳавий ер фонди ҳисоби	25
2.2	Суғориш усулини асослаш ва суғориш техникаси элементларини танлаш.	26
2.3	Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш.	27
2.4	Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш.	31
2.5.	Сув мувозанат тенгламаси	32
2.6.	Сув мувозанат тенгламасини тузиш.	34
2.7.	Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирлар.	37
2.8.	Ётиқ зовурларнинг чуқурлигини аниқлаш	40
2.9.	Ётиқ зовурлараро масофани аниқлаш.	41
2.10.	Коллектор-зовур тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини аниқлаш	43
2.11.	Ёпиқ зовурларнинг гидравлик ҳисоби	44
2.12.	Очиқ зовурлар гидравлик ҳисоби.	47
2.13.	Коллектор- зовур тармоғидаги гидротехник иншоотлар.	48

2.14.	Ҳимоя дарахтлари	49
III.	ГМ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.	50
3.1.	Ёпиқ горизонтал зовурни қуриш	50
3.2.	Ишларни бажариш усуллари	50
3.3.	Иш ҳажмларини аниқлаш	50
3.4.	Машина ва механизмлар танлаш	51
3.5.	Зовур ётқизгични иш унумдорлиги	52
IV.	ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	54
4.1.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари.	54
V.	ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ	58
5.1.	Сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг экологик асослари.	58
5.2.	Ҳудуддаги экологик ҳолат тавсифи ва тадбирлар тўплами.	61
5.3.	Лойиҳаланган ҳудудда экологик ҳолат қуйидагича.	61
5.4.	Сув ресурсларини муҳофаза қилиш.	62
5.5.	Ерларни муҳофаза қилиш.	62
5.4	Қишлоқ хўжалиги машиналарида ишлаганда ёнғин хавфсизлиги	54
VI.	ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ	59
6.1.	Фойдаланиладиган ер майдонларининг мавжуд ва лойиҳавий таркиби.	61
6.2	Зах қочириш тармоқларини қуриш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланадиган капитал маблағни аниқлаш.	64
6.3	Мелиоратив харажатлар ҳисоби.	65
6.4.	Зах қочириш учун берилган сув ҳажми ва мелиоратив харажатларнинг экинлари бўйича тақсимланиши.	67
	Хулоса	73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	70
	Интернет маълумотлари	75

КИРИШ

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг асосий йўлларида бири эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон бўйича 4,206 млн. га қишлоқ хўжалигида ишлатиб келинаётган суғорма ерлар мавжуд бўлиб, ҳар бир кишига 0,18 – 0,20 га ер тўғри келади. Сув нафақат қишлоқ хўжалигида балки, саноат, коммунал хўжалик соҳаларида ҳам фойдаланилганлиги туфайли сув танқислиги янада каттароқ аҳамият касб этади. Шу туфайли сувдан тежаб – тергаб фойдаланиш мақсадида қуйидагиларни жорий этиш зарур:

- сув тежайдиган технологияни жорий этиш;
- бирлик ерга ва бирлик ҳосилга сарфланадиган сув миқдорини камайтириш;
- каналлар тизими ФИК ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- сизот сувлари сатҳини зах қочириш меъёри даражасида ушлаб туриш (дренаж).

Аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш учун потенциал юқори ҳосил олишимиз, бунинг учун эса агротехник, мелиоратив тадбирлар билан бирга хўжаликларда моддий, ташкилий базани ҳам мустаҳкамлаш зарур. Потенциал ҳосил кўрсаткичи бўлиб, тупрок бонитети хизмат қилади. Бунда бегона ўтлар босганлиги, шўрланиш даражаси ва маҳаллий, маъданли ўғитлар билан таъминланганлиги ҳисобга олинади. Шунинг учун барча ерларда паспортизация қилиш ишлари бажарилиши зарур. Бундан ташқари шоли экинлари майдонларини қисқартириш, сув кам талаб қилувчи экинлар экиш ва адир, тоғ олди зоналарида боғ, узумзорлар барпо этиш ҳам яхши самара беради.

Кейинги йилларда ёппасига янги ерларни ўзлаштириш, Амударё ва Сирдарё сувининг асосий қисмини янги ерларга буриш натижасида ўзлаштирилган ва унга якин жойлашган майдонлар мелиоратив ҳолати кескин ёмонлаша бошлади. Суғориш режимига амал қилмаслик, суғориш тармоклари техник ҳолати қониқарсизлиги ва сув ҳисоби яхши йулга қўйилмаганлиги, сизот сувлари сатҳи кескин кўтарилиши қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Республиканинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш давлат дастури ишлаб чиқиш бўйича Вазирлар маҳкамаси қарори эълон қилинди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади, башорат қилинадиган сув танқислигининг ўсишини олдини олиш, унинг таъсирини максимал камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни зудлик билан амалга ошириш. Республикада юзага келган сув танқислигини эътиборга олганда сувдан суғоришда тежаб фойдаланиш, суғоришда сув сарфини камайтириш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун суғоришда тежамкор суғориш усуллари, техника ва технологияларини қўллаш яхши самара беради. Ушбу битирув малакавий ишда туманидаги “Зиё Шароф” фермер хўжалиги ерларида етиштириладиган экинларни суғориш сувини тежаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Президентимиз И.Каримов 2014 йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга. Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламдаги комплекс чора - тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини шу йулда сафарбар этиш орқали амалга оширилади.

« Соғлом бола йили » Давлат дастурининг мақсади ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирларини аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг ёритилиши лозимлиги келтирилган.

Жорий йилнинг 18 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида 2013 - йилда Республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 - йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаси 2013 - йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш таъминланди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти - 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми - 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва – 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 - йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди. Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил

амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори кўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормокда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмокда.

2013 - йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, курилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин - валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг

камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор. Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 - йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир. Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда. Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил ПК-817 сонли “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш бўйича вилоятда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятда 2008-2012 йилларда 449,3 км узунликдаги магистрал коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш ҳамда 9548,5 км узунликдаги коллектор тармоқларини таъмирлаш-тиклаш тадбирлари белгиланган бўлиб, ўтган 2008-2012 йилларда жами амалга оширилган мелиоратив тадбирлар - 91,8 млрд. сўм;

Шундан:

- коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш - 46,2 млрд.сўм (402,5 км);
- коллекторларни таъмирлаш-тиклаш - 29,1 млрд.сўм (6582,7 км);
- мелиоратив техникаларни харид қилиш - 16,5 млрд.сўм (134 дона).

Шундан: 70 дона - экскаватор, 21 дона - бульдозер.

- Шу даврда:

- 12,1 км янги ёпиқ-ётиқ зовур қурилди;
- 220,7 км ёпиқ - ётиқ зовур ювилди;

- 78 дона тик дренаж қудуқ реконструкция қилинди ва қурилди;
- 483 та тик дренаж қудуқ таъмирланди;
- 628 та кузатув қудуқ қурилди;
- 309 та кузатув қудуқ таъмирланди;

2008-2012 йилларда амалга оширилган мелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларда бажарилган реконструкция қилиш ва қуриш ҳамда тизимли таъмирлаш тиклаш-ишлари натижасида 217,5 минг гектардан ортиқ майдонда ер ости сувлари сатҳи пасайтириб, мелиоратив ҳолатни барқарор сақлаш ва 5,2 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга эришилди.

Суғориладиган майдонларнинг шўрланиш даражасини пасайтириш бўйича эришилган натижалар.

- 2007 йилда кучли шўрланган майдонлар 12,6 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 9,0 минг гектарни ташкил қилди, яъни 3,6 минг гектарга камайди.

Шунингдек, ўртача шўрланган майдонлар 2007 йилда 75,7 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 64,3 минг гектарни ташкил қилди, яъни 11,4 минг гектарга камайди.

- Мелиоратив кадастр бўйича қониқарсиз майдонлар 2007 йилда 46,6 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 32,0 минг гектарни ташкил қилди, яъни 14,6 минг гектарга камайди.

- Мелиоратив ҳолати яхши ерлар 2007 йилда 27,5 минг гектарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 35,1 минг гектарни ташкил қилди, яъни 7,6 минг гектарга кўпайишига эришилди.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар сабабли хўжалик юритиш шакли ўзгариб фермер хўжаликлари шаклланди. Бу эса сув ресурсларининг тақсимооти, суғориш ва зах қочириш тармоқларини лойиҳалаш, ишлатиш ва ишчи ҳолатини сақлаш масалаларига янги

муносабатларини юзага келтиради. Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатидан қай даражада бўлишлилиги ерларнинг маҳсулдорлигини белгиловчи асосий омилларидан ҳисобланади. Шу нутай-назардан 2007-йил 29-октабрга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3932-сонли «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Юқорида айтилганларидан келиб чиққан ҳолда муаммоларнинг ечимини ўрганиш мақсадида, малакавий битирув ишимизнинг “Мирсулаймон ариғи ” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олувчи “Зиё Шароф” фермер хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш» деб номладик.

I. УМУМИЙ ҚИСМ

Вобкент тумани Бухоро вилоятининг шимолий қисмида жойлашган, Шимолий ғарб томонидан Пешку, Шофиркон туманлари, жанубий шарқдан Когон тумани, Навоий вилоятининг Қизилтепа туманлари, жануб томонидан Бухоро тумани, Шимолий шарқдан Ғиждувон тумани, жанубий ғарбдан Ромитан тумани билан чегараланган бўлиб, ер майдонининг асосий қисми экин ери ва яйловлардан иборатдир.

Битирув малакавий ишини Бухоро вилояти Вобкент туманининг ғарбий қисмида жойлашган “Зиё Шароф” фермер хўжалиги мисолида бажарамиз. “Зиё Шароф” фермер хўжалиги “Мирсулаймон ариғи” сув истеъмолчилари уюшмасидан сув олади. « Зиё Шароф” фермер хўжалиги ”Ўриной Мирзаева” ва “Талишайдо” фермер хўжаликлари билан чегарадош. “Зиё Шароф” фермер хўжалиги Бухоро шаҳридан 25 км, Туман марказидан 5 км масофада жойлашган.

1.2. Хўжаликнинг иқлим шарт-шароитлари.

Туманнинг иқлим шароити континентал бўлиб, ҳаво ҳарорати йил давомида кескин ўзгариб туриши билан ажралиб туради, ёзи қуруқ иссиқ, киш фасли эса қисқа, қаттиқ совуқ кунлар деярли кам бўлади, ёғин-сочин айтарли кўп эмас. Йил давомида бўладиган ёғингарчиликларнинг қарийб 60 фоизини йилнинг январ ойидан, апрел ойининг охиригача бўлган ёғингарчиликлар ташкил қилади. Туманда иқлимнинг асосий фактори ҳисобланган шамол айтарли бутун йил мобайнида эсиб туради, шамол йўналиши асосан жануб ва жанубий шарқ томонга бўлади. Айрим ҳолларда шамолнинг тезлиги секундига 18-20 метрни ташкил қилади. Вобкент тумани шароитида иқлимнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари яъни ҳавонинг қуруқ келиши ва ёз ойларида жуда иссиқ бўлиши, ёғин-сочинни жуда кам бўлиши, ер юзасига яқин жойлашган таркибида минерал тузлари кўп бўлган ер ости сувларининг буғланиб кетишини бирмунча тезлаштиради,

транспирацияга сарфланадиган сув миқдори кўпаяди, бу эса ўз навбатида шўрланишга мойил бўлган ерларнинг қайта шўрланишига олиб келади.

1.2.1-жадвал. (“Бухоро” кузатув маркази маълумотлари)

Кўрсаткичлар	Ойлар												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Ҳавонинг ҳарорати °C	0,1	3,0	8,6	16,6	23,4	27,9	29,6	27,6	21,6	14,2	7,0	1,9	15,1
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	7	18	31	100	198	285	300	270	205	120	53	18	49
Нам танқислиги, мм	7	18	31	100	198	285	300	270	205	120	53	18	1605
Ёғингарчил ик, мм	17	20	28	25	15	1	1	0	0,1	4	9	12	132

1.3. Гидрогеологик мелиоратив шароит

Туман суғориладиган ер майдонларининг гидрогеологик мелиоратив шароити ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, вилоятнинг жанубий туманлари сингари бир мунча мураккаб ҳисобланади.

Вобкент туманида гидрогеологик мелиоратив шароит, асосан ер ости сизот сувлари гидро ҳамда гидрокимёвий режимига боғлиқ бўлиб, суғориладиган ер майдонлари “Зарафшон” дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги сабабли, мураккаб ҳисобланади.

Туманнинг айниқса, ўрта ва қуйи қисмларида сизот сувларининг ер ости ҳаракати секинлиги ва уни ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли мелиоратив вазият ўта оғир ҳисобланади. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши ва иссиқ кунларнинг кўп булиши ер юзасига яқин жойлашган сизот сувларини эвакотранспирацияга кўп сарфланишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида аэрация қисмида туз миқдорини кескин ошишига сабаб бўлади. Оқибатда суғориладиган майдонларда шўрланиш қайта тикланади. Гидрометео хизматининг кузатувлари бўйича туман ҳудудида буғланишга сарфланган сувнинг бор йўғи 10 фоиз қисми атмосфера ёғин - сочинларини ташкил этади, холос. Шу сабабли деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги

экинларидан мўл - кўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олишдан иборатдир.

Суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб, асосий мелиоратив тадбирлар амалда ҳолати табиий ёмон ерларда, юза нишаблиги кичик, табиий дренажлик хусусияти паст ва ер ости сизот сувларининг ҳаракати секин бўлган ерларда биринчи навбатда қўлланилади. Вобкент тумани ҳудудида ер юзаси геологик жиҳатдан “Тўртламчи” давр ётқизиклари билан қопланган “Полезой”, “Мезозой” даврининг денгиз ва қуруқлик чўкиндиладиган иборатдир.

Сизот сувлари гидрорежимини бир текисда сақлаб туришда асосан зовур - дренаж тармоқларининг доимий ишчи ҳолатда бўлиши, шунингдек сизот сувларининг ер ости ҳаракати муҳим роль ўйнайди. Вобкент туманининг ўрта қисмида сизот сувлари оқими “Марказий Бухоро” зовури томон бўлади. Туман ҳудудининг бу қисмида ер нишаблиги ва ер ости сизот сувлари оқим йўналиши нисбий баландлиги ҳисобидан айнан “Марказий Бухоро” зовури томон йўналган. “Марказий Бухоро” зовури бу ҳудуд учун табиий дренажлик вазифасини ўтаб келади.

1.4. Зовурлар тизими кадастри.

Туман шароитида суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил яратишнинг асосий омилларидан бири, бу ер ости сизот сувларининг сув-туз мувозанатини барқарорлаштиришдир. Ер ости сизот сувларининг сув-туз мувозанатини сақлаш асосан сунъий дренаж тармоқлари орқали амалга оширилади. Шу мақсадлар учун туман бўйича умумий узунлиги 255,061 км бўлган, шундан 113,39 км хўжаликлараро, 29,1 км узунликдаги магистрал, 112,571 км СИУлар ҳисобида турадиган ички зовурлар хизмат килади. Шунингдек шу мақсадлар учун 92 та тик дренаж қудуқларидан ҳам фойдаланиб, улар ёрдамида 8600 гектар майдоннинг мелиоратив вазияти барқарор ҳолда сақлаб турилади. Мавжуд зовур – дренаж

тармоқлари тизимини техник ҳолатини ўрганиш мақсадида ҳар йили 1 ноябр ҳолатида қайдномадан ўтказилади. Қайдномада мавжуд дренаж тармоқларидан 161,269 км, шундан 81,45 км хўжаликлараро, 79,819 км СИУлар ҳисобида турадиган ички зовурлар техник ҳолати қониқарли ва жами 64,65 км дренаж тармоқларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда эканлиги аниқ кўрсатилган. Техник ҳолати қониқарсиз бўлган зовур тармоқларини таъмирлаш 2014 йил режасига киритилиб, бу ишларни амалга ошириш учун 1 январдан бошлаб механизмлар ишга туширилади.

Ҳисобот йилида Вобкент туман бўлими ҳисобида бўлган 113,39 км узунликдаги хўжаликлараро зовурларнинг паспортлари қайта кўриб чиқилиб, уларга тегишли ўзгаришлар киритилди. Қайдномада кўрсатилганидек 45 дона қувурли кесишмалар мавжуд бўлиб, буларнинг 5 донаси зовур сувларини оқимига тўсқинлик қилади

иған, яъни ўрнатилган жойида абсолют белгилари юқорида бўлганларини лойиҳавий белгига тушириш учун 2014 йилда таъмирлаш режасига киритилди.

Вобкент туман мелиорация бўлими давлат ҳисобидаги 113,39 км узунликдаги зовурлар ҳар ойида бир мартаба ва 112,571 км узунликдаги ички зовурларни техник ҳолати ҳар чоракда бир марта кўриб чиқилиб, улардаги нуқсонлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

1.5. Тик дренаж қудуқларининг ишлаш режими.

Вобкент туманининг суғориладиган ерларида ер ости ва босимли сувларининг гидрорежим мураккаблиги сабабли очик зовур дренажлардан ташқари тик дренаж қудуқларидан фойдаланиш ерларни самарадорлигини оширишда уларни мелиоратив ҳолатини барқарор вазиятда бўлишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Барча тик дренаж қудуқларини ишлатиш ва улардан фойдаланиш насос станциялари ва алоқа бўлими бошқармаси Вобкент тумани тик қудуқлар бўлими зиммасига ва уларни иш режимини ўрганиш эса гидрогеологик мелиоратив экспедицияси Вобкент тумани

бўлимига юклатилган. Тик дренаж қудуқларини иш режимини тузишда 1998 йил 10 декабрдаги 21-123 рақамли Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли собиқ “САНИИРИ” илмий текшириш институтининг қўлланмасидан фойдаланилади.

Туман бўйича 2014 йил 1 январ ҳолатида 92 та тик дренаж қудуқлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида умумий суғориладиган майдонининг 39,9 фоиз, яни 8600 гектар майдонинг сув туз мувозанати барқарорлаштирилмоқда. Ҳисобот йили давомида шу қудуқлар билан 7,39 млн.м³ босимли сизот сувлари чиқарилиб, зовурлар орқали суғориладиган майдонлар ҳудудидан чиқариб юборилди. Тик дренаж қудуқлари 1 секундда чиқарган сув миқдори ўртача 0,23 м³ ни ташкил қилади.

Тик дренаж қудуқлари билан чиқарилган ер ости сувларининг минерал таркиби литрига 2,730 граммни ташкил этади, шу чиқарилган сув билан ҳар хил ўсимликлар ривожига зарарли бўлган 3718 тонна тузлар суғориладиган майдонлар чегарасидан чиқиб кетди, шундан хлор иони 223 тоннани ташкил қилади.

Йил бошида тузилган тик дренаж қудуқларининг ишлаш режаси бўйича ҳисобот йили давомида тумандаги мавжуд қудуқларни 250300 соат ишлатиш кўзда тутилган эди, Ҳақиқатда эса барча қудуқларнинг ишлаган вақти 53506 соатни ташкил қилади, ёки тик қудуқларнинг ишлаш коэффиценти режадаги 0,31 ўрнига бор йўғи 0,07 ни ташкил қилади. Шунинг натижасида айрим тик дренаж қудуқлари таъсири майдонларида вегетация мавсумида ер ости сизот сувларини керакли чуқурликгача тушириш имконияти яратилмади. Тик дренаж қудуқларнинг иш самараси назорат қилиш ва ҳар ўн кунда иш режимини тузиш тик дренаж қудуқлари ҳудудида жойлашган 92 дона назорат қудуқлари ўлчови натижасида амалга оширилади.

1.6. Зовур сувларини шўрланиши тўғрисида маълумот.

Вобкент тумани шароитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ёки уни бир меъёрга сақлаб туриш учун суғориладиган майдонларга бериладиган сувларнинг камида 40-45 фоиз қисмини дренажлар орқали чиқариб юбориш зарур. Акс ҳолда майдонларда сув-туз мувозанатини бузилишига олиб келади. 2013 йилда Вобкент туманидаги суғориладиган майдонлардан зовурлар орқали 182,88 млн.м³ сизот сувлари чиқарилди. Шундан 175,49 млн.м³ зовурлар ва 7,39 млн.м³ тик-дренаж қудуқлари орқали чиқарилган.

Тумандаги мавжуд зовурлардаги зах сувларининг шўрлик даражаси ўзгариб туради. Бунга эса об-ҳавонинг иссиқ келиши, ҳамда суғоришга берилган сувнинг таркиби ва тупроқ таркибининг шўрлик даражаси юқори бўлганлигидир.

Суғориладиган ерларга бериладиган сувлар ва атмосферадан келадиган ёмғир ҳамда қорнинг тупроққа сингиши, ер ости сувининг ҳаракати ниҳоятда кам бўлганлиги натижасида сув туз мувозанатини бузилишига сабаб бўлади. Вобкент туманида ер ости сувининг оқими йўналиши ғарб, шимолий ғарб ҳамда жанубий ғарб томонга бўлиб, нишабнинг кичиклиги туфайли суғориладиган ҳудуддан чиқиб кетмайди. Бу сувларни чиқариб юбориш учун сунъий дренаж тармоқлари қурилган бўлиб, ер ости сувининг сатхи зарур чуқурликда бўлиши таъминланади.

Ўтган ҳисобот йилида туман бўйича суғориладиган майдонлар чегарасига 432,44 млн.м³ сув олинди. Зовурлар орқали суғориладиган ерлар ҳудудидан чиқариб юборилган сувлар миқдори эса 182,88 млн.м³ ни ташкил қилди. Суғориш учун олинган сувнинг минерал таркиби, яъни олинган сувнинг 1 литрида 1,91 грамм қаттиқ қолдиқ шундан хлор ионлари 0,136 грамми ташкил этди. Зовур сувларининг минерал таркиби кучсиз ва кучли шўрланганлиги билан характерланади. Бу кўрсаткич доимий равишда бир хил бўлмай, йил давомида суғориш учун олинган сувнинг миқдори ва

сифатига ҳамда ёғингарчиликнинг бўлишига қараб маълум миқдорда ўзгаради.

Ҳисобот йилининг 1 ноябр ҳолатида барча сув ўлчов кўприклари ҳолати ўрганиб чиқилди ва сув ўлчов жойлари тартибга келтирилиб, яроқли ҳолда эканлиги ҳақида баённома тузилиб, рўйхатдан ўтказилди.

1.7. Тупроқ шўрлик даражасини аниқлаш бўйича олиб борилган ишлар.

Вобкент тумани суғориладиган ерлари тупроғи механик таркиби жиҳатдан анча мураккаб бўлиб, шўрланишга мойил бўлган тупроқлардир. Шу сабабли, кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, тупроқнинг шўрлик даражасини аниқлашнинг характерли даври, яъни вегетация мавсумидан олдин, апрел ойи ҳолатида ва вегетация мавсумидан кейин, октябр ойи ҳолатида ўтказилади. Бу тадбир ўз навбатида тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам:

- Апрель ойи ҳолатида, ерларнинг шўри ювилгандан кейин, шўр ювиш тадбирининг самарадорлиги аниқланиб, шўр ювишдан кейин унинг самараси камроқ бўлган майдонларда шўрга чидамли экинларни экиш, агротехник ишларга эътиборни кучайтириш ва бу майдонларга вегетация мавсумида суғориш билан боғлиқ бўлган ишлар учун тавсиялар бериш;

- Октябр ойи ҳолатида вегетация мавсумида тупроқ таркибининг шўрлик даражасини ортганлиги туфайли ҳосил бўлган майдон контурлари аниқланиб, келгуси йил ҳосили учун шўр ювиш нормаси, унинг вақти ва ерларни шўрини ювишга тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун тупроқ шўрлик даражаси аниқланади.

Туман суғориладиган майдонларининг 89 фоизидан ортиқ қисми ҳар хил даражада шўрланган ерлардан иборат.

Шўрланиш деҳқончилигида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини пасайиб кетишига олиб келувчи асосий сабабларидан биридир. Шу туфайли ҳам ҳар йили туман иқтисодиётида жуда катта миқдорда маблағлар йўқотилади. Биринчидан ерларнинг шўрлик даражаси

юқорилиги туфайли ҳосилдорлик 89,6 фоизга камайса, бунинг устига ҳар йил кузги- қишги мавсумда 15,23 минг гектар атрофидаги майдонни шўрини икки ва хатто айрим ҳолларда уч маротаба ювишга тўғри келади. Шу сабабдан ҳам туман шароитида ерларнинг шўрини ювиш самарадорлигини ошириш, бу ишларга сарфланаётган сув ва маблағлар салмоғини камайтириш мақсадида ҳар йили суғориладиган ер майдонларининг шўрланиш даражаси аниқланиб борилади. Кейинги йилларда янги кондуктометрли ўлчагичлардан фойдаланиш натижасида уч йилда бир маротаба эмас, балки ҳар йили барча майдонлардан тупроқ шўрлик даражасини аниқлаш ишларини олиб борилишига эришилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Суғориш тармоқлари асосан ердан қазилган каналлар, ўқариқлар ва очик зовурлардан иборат. Уларнинг параметрлари техник талабларга жавоб бермайди ва йўналишлари эгри бўлганлиги учун ердан фойдаланиш коэффиценти паст, ички зах қочириш тармоқлари ва кузатув қудуқлари лойқага тулган сув ўлчаш ва сув намуналарини олиш қийин ва ГТИ лар йўқ, борлари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Фермер хўжаликнинг ҳозирги зах қочириш тармоқлари очик тупроқ ўзанли канал кўринишда бўлиб, суғориш асосан ер устидан эгатлаб амалга оширилади. Хўжаликда мавжуд гидромелиоратив тизимлар ва иншоотларнинг қониқарсиз ишлаши сабабли, уларнинг ҳолати ва тавсифи асосий параметрлари, гидротехник иншоотларнинг аҳволи, айрим тармоқларни (коллектор ва зовурлар) ва иншоотларни ҳамда зах қочириш тармоқларини такомиллаштириш орқали ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш натижасида ерларнинг унумдорлигини ошириш мазкур малакавий битирув ишида кўриб чиқилган.

The map shows the Vobkent district (VOBKENT) in the center, surrounded by other districts: Dushanbe (ДУШАНБЕ) to the north, Dabovon (ДАВОН) to the east, and Buxoro (БУХОРО) to the south. The district is divided into several mahallas (neighborhoods) including: Дижарбо, Нисоку, Катого, Вобкент, Чародала, Косари, Эҳсо, Шанба, Каттакон, Харгу, Ширин, Шимма, and Имомқонах. The map also shows the Buxoro River (Бухоро) and the Buxoro Sea (Бухоро). A legend in the bottom right corner indicates the colors for the districts: Dushanbe (pink), Dabovon (yellow), Buxoro (blue), and Vobkent (green).

Зовурлар
Каналлар

2011
2012
2013
2014

— Каналлар

2012

2014

2014

Т О П Ш И Р И Қ

1. Хўжаликнинг брутто майдони **81.43 га**
2. Хўжаликнинг юритиш шакли йўналиши **фермер хўжалиги**
3. Хўжаликнинг йўналиши **пахтачилик-галачилик**
4. Хўжаликда экиладиган экинларнинг таркиби:
 - а) **Ўзг** **60 %**
 - б) **Кузги бўғдой** **30 %**
 - в) **боғ** **10 %**
 - г) **Такрорий экин (маккажўхори)** **12 %**
5. Ердан фойдаланиш коэффициенти **0,88**
6. Хўжалик ички хўжалик тизимлари ФИК **0,92**
7. Ҳосилдорлик:
 - а) **Ўзг** **34 ц/га**
 - б) **Кузги бўғдой** **50 ц/га**
 - в) **Боғ** **90 ц/га**
 - г) **Такрорий экин (маккажўхори)** **268 ц/га**

Раҳбар **Х.Шоназаров**

II. ТЕХНИК ҚИСМ

2.1. Лойиҳавий ер фондини ҳисоби.

« Зиё Шароф » фермер хўжалигига бириктирилган майдон қийматидан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишига берилган техник топшириққа асосон хўжаликнинг лойиҳавий ер фонди ҳисобини амалга оширамиз.

Фермер хўжалигининг брутто ер майдони 81.43 га ни ташкил этади.

Лойиҳавий ердан фойдаланиш коэффиценти қиймати ЕФК 0,88 қилиб, қабул қиламиз.

Фермер хўжалигида экин экиладиган нетто майдон қўйидагича топилади:

$$\omega_{нет} = \omega_{бр} \cdot ЕФК = 81.43 \cdot 0,88 = 71.7 \text{ га}$$

Фермер хўжалигида экинлар учун тўғри келадиган майдонларни аниқлаймиз. Ғўза экиладиган майдонни қўйидагича аниқланади:

$$\omega_{ғуз} = \frac{\omega_{нет} \cdot n_{ғуз}}{100} = \frac{71.7 \cdot 60}{100} = 43 \text{ га}$$

бу ерда: $\omega_{нет}$ - фермер хўжалигининг экин экиладиган нетто майдон, га

$n_{ғуз}$ - ғўза экиладиган майдон фоизи.

Бугдой экиладиган майдонни қўйидагича аниқланади:

$$\omega_{буг} = \frac{\omega_{нет} \cdot n_{буг}}{100} = \frac{71.7 \cdot 30}{100} = 21.5 \text{ га}$$

бу ерда: $\omega_{нет}$ - фермер хўжалигининг экин экиладиган нетто майдон, га

$n_{буг}$ - бугдой экиладиган майдон фоизи.

Бог майдонни қўйидагича аниқланади:

$$\omega_{бог} = \frac{\omega_{нет} \cdot n_{бог}}{100} = \frac{71.7 \cdot 10}{100} = 7.2 \text{ га}$$

бу ерда: $\omega^{нет}$ - фермер хўжалигининг экин экиладиган нетто майдон, га

$n_{буғ}$ -боғзорнинг майдон фоизи.

Такрорий экин (маккажўхори) экиладиган майдонни кўйидагича аниқланади:

$$\omega^{мак} = \frac{\omega^{нет} \cdot n_{мак}}{100} = \frac{71.7 \cdot 12}{100} = 8.6 \text{ га}$$

бу ерда: $n_{мак}$ - такрорий экин (маккажўхори) экиладиган майдон фоизи.

. Фермер хўжалигида экиладиган экинларнинг ер фонди жадвали

2.1.1-жадвал

№	Экин тури	Майдон, га	Майдон, %
1	Ёўза	43	60
2	Буғдой	21.5	30
3	Боғ	7.2	10
	Фермер хўжаликнинг жами нетто майдон	71.7	100
	Такрорий экин (маккажўхори)	8.6	12

2.2. Суғориш усулини асослаш ва суғориш техникаси

элементларини танлаш.

Битирув малакавий ишининг умумий қисмида келтирилган табиий ва хўжалик шароитларига кўра фермер хўжалиги ерларида сунъий суғориш жараёнларини амалга оширмай туриб, қишлоқ хўжалиги экинларидан мулжалдаги ҳосилни етиштириш мумкин эмаслиги маълум бўлади. Шу билан бир қаторда сунъий суғориш жараёнини амалга оширувчи суғориш усули ва техникаси юқори иш унумдорлигини, кам сув сарф қилиб юқори мелиоратив кўрсаткичларга эришишни, суғориш тармоқларининг юқори техник кўрсаткичларга эга бўлишини таъминлаши керак. Суғориш жараёни яхши

натижа бериши учун бу жараён ўрмон – техник мелиорцияси ишларини (суғориш майдонлари атрофида ва эрозияга мойил бўлган ерларда ихота дарахтлари қаторларини барпо қилиш) билан бирга олиб борилиши керак.

« Зиё Шароф » фермер хўжалиги учун суғориш усули ва техникасини танлашда Н.Т.Лактаев томонидан тавсия этилган суғориш усули ва техникасини қўллаш мақсадида ҳудудларни районлаштиришдан фойдаланамиз. Бу районлаштиришга қуйидагилар киради:

1. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги;
2. Хўжалик ҳудуднинг ўртача нишаблиги;
3. Ерларнинг мелиоратив ҳолати;
4. Шамолнинг тезлиги ва такрорланиши.

